

Ойдин Туйчиева

ТАЗКИРАЛАРДА ИЖОДКОР АЁЛЛАР



ЎЗБЕК ИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУЙЧИЕВА ОЙДИН САЙФУЛЛАЕВНА

ТАЗКИРАЛАРДА ИЖОДҚОР АЁЛЛАР

Монография

“Nodigabegim” нашриёти
Тошкент – 2021

КБК: 83.3(5Ў)

Т 80

УЎК: 821.512.133.09-005.2

ISBN 978-9943-7804-2-2

Туйчиева, Ойдин Сайфуллаевна

Тазкираларда ижодкор аёллар [Матн] : монография /
О.С. Туйчиева. - Тошкент: Nodigabegim, 2021. - 168 б.

Ушбу монографияда аёлларга бағишланган тазкираларнинг генезиси ва тараққиётини таснифлаш ва тадқиқ этиш билан бир каторда аёлларга бағишланган тазкираларнинг композицион қурилиши очиб берилган. Унда муаллиф тазкираларда исмлари ва фаолияти қайд этилган аёлларни аниқлаш, номлари такрор келган ижодкор аёллар билан боғлиқ маълумотларни қиёслаш орқали фаркли жиҳатларини ёритган. Тазкираларнинг қиёсий-типологик таҳлилин амалга оширган. Тазкираларда зикр этилган шoirалар, маликалар, тилшунос, таржимон, суфий, хаттоғ, рассом, ўқитувчи, давлат бошқарувида фаол иштирок этган оқила хукмдор, дин, тарих ва адабиёт билымдонлари бўлган аёллар номлари ва уларга оид шеърлар бадиияти имкон қадар ёритилган.

Масъул муҳаррир:

Бахтиёр Абдушукуров

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети,
филология фанлари доктори, профессор;

Тақризчилар:

Холида Алимова

Тошкент давлат шарқшунослик университети, филология
фанлари доктори, профессор;

Кавсар Турдиева

Тошкент педиатрия тиббиёт институти, ўзбек, рус, лотин
тиллари кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент

Мазкур монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 29 ноябрь ойидаги йиғилишининг 8-сонли қарори билан наизга тавсия этилган.

© Туйчиева О.С.
© "Nodigabegim" нашриёти, 2021.

Сўз боши ўрнида

Жаҳон адабиётида XV асргача бўлган даврда аёл шoirалар ҳақида маълумот кам. Борлари ҳам кўпроқ шoirлик билан эмас, балки давлат бошқаруви билан, тасаввуф билан ёки қайсидир тарихий шахснинг онаси, аёли, синглиси ёки қариндоши сифатида эсга олинади. Бу ҳолда бир томондан аёлларнинг ўша даврлардаги ижтимоий мавқеи билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан улар томондан яратилган монументал асарларнинг йўқлиги билан изоҳланса керак.

Ушбу монографиянинг илмий аппарати кўнгилдагидек ёритилган. Илмий аппарат билан танишган киши Марказий Осиё ва Ҳиндистонда яшаб, форс ва туркий тилларида ижод қилган шoirалар ҳақида маълумотга эга бўлиш билан бир каторда, монографиянинг долзарблиги, олдига қўйилган вазифалари, ишнинг янгилиги, Ўзбекистон, Эрон, Тожикистон ва чет мамлакатларда қимлар томонидан ўрганилганлиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти ва кўлами ҳақида батафсил маълумот ҳосил қилади.

Туйчиева Ойдин XIX асрда яратилган 12 та тазкирани ўрганиб чиққани ва XX асрда яратилган 7 та тазкирани илк бор илмий муомалага киритгани тадқиқот ишининг янгилигини таъминлаган.

Монографиянинг "Аёлларга бағишланган тазкиранависликнинг илмий-назарий асослари" деб номланган бобида X асрдан бошлаб тазкиранависликнинг шаклланиши ва улар баёзлар, тазкиралар ва айрим тарихий ва тасаввуфий асарларда маълумотлар тарзида келтирилиши кўриб ўтилган. Бу даврда аёл шoirалар ҳақида махсус тазкиралар яратилмаган, балки ўша даврдаги қайсидир шoirнинг ёки давлат арбобининг онаси, аёли ва синглиси сифатида ёдга олинган.

Аёл шoirаларга бағишланган махсус тазкиралар XV асрдан бошлаб пайдо бўла бошлаган ва айниқса, Сафавийлар ва Қожорлар сулоласи даврида кенг ривож топган. Бу даврда Фахрий Ҳиравий томонидан тузилган, темурий ва бобурий султонлар даврига бағишланган "Равзат ус-салотин" ва "Жавоҳир ул-ажойиб" тазкиралари ўтмиш аждолларимиз меросига бағишланган ўта муҳим манбалар ҳисобланади.